Инв. 430495

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 12 апрель. Чоршанба. № 29 (14281) ترکستان * TURKİSTAN

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАГИ ЯНГИ САҲИФА



11 апрель куни Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Бу ташриф Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегациясининг 1993 йил апрелида Германияга қилган сафарига ўзига хос жавоб ташрифи экани, Боннда ўтган музокаралар якунида яратилган ўзаро муносабатлар ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилишига имкон яратди. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат маҳкамалари, ҳуқуқ тартибот органлари ўртасида ўрнатилган алоқалар фикримиз далилидир. Бундан ташқари, мамлакатимиз вилоятлари ҳам бевосита иқтисодий хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш, Шарқий Германияда ўтказилаётган ислоҳотлар тажрибаларини ўрганиш мақсадида ГФР Федерал ҳудудлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Икки мамлакат халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги биргаликдаги фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширмоқдалар. Германия минтақадаги обрўли давлат сифатида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан манфаатли алоқалар ўрнатишига кўмаклашаётир. Ўзбекистон эса, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришини таъмин этишда муҳим ўрин тутадиган мамлакат бўлиб, Германия Федератив Республикасининг Марказий Осиёга нисбатан янги ташқи сиёсати амалга оширилишида ҳамкор бўлаётир.

Германия Федерал Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ана шу сабабли ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Федерал Президент Роман Герцог ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқдилар. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга Ўзбекистон заминининг анвойи гулларини ҳадя этди.

Президентлар Ислом Каримов ва Роман Герцог махсус шоҳсупага кўтарилди. Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат Президентлари миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропорт биносида меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашди. Сўнгра президентларнинг расмий делегация аъзолари билан танишув маросими бўлди.

Шу ерда Президент Ислом Каримов ва Федерал Президент Роман Герцог қисқа муддат суҳбатлашдилар.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони пойтахтимиздаги шеърият султони ва давлат арбоби Алишер Навоий номи берилган Миллий боғ томон йўл олди. Байрамона безатилган Тошкент кўчаларидаги халқлар дўстлигини улуғловчи, азиз меҳмонларни қутловчи ўзбек ва немис тилидаги битиклар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари Роман Герцог ва у раҳбарлик қилаётган делегацияни олқишлади.

* * *

Германиялик мўътабар меҳмоннинг Ўзбекистонга ташриф дастури Алишер Навоий боғида, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

Германия Федерал Президенти Роман Герцог Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк шоирга ҳурмат ва эҳтиром бажо этди. Бу ерда тўпланган жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарларига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига умид билдирдилар.

Пойтахтимизнинг Халқлар Дўстлиги саройи мўътабар қадамжолардан бири бўлиб бормоқда. Исми-жисмига мос бу масканда Ўзбекистон халқи билан турли мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғланаётир. Президент Ислом Каримов меҳмонлар бир оз дам олганларидан сўнг Германия Федерал Президенти Роман Герцогни ушбу муҳташам сарой олдида қарши олди. Бу ерда икки давлат расмий делегациялари ўртасида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бошланди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Германия ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Расмий музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида муносабатлар асослари тўғрисидаги Қўшма баёнот, шунингдек, фуқароларнинг ўзаро эркин борди-келдилари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги немис ҳарбийлари қабрлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Германия Федератив Республикаси давлат котиби, Ташқи ишлар вазири ўринбосари Вернер Хойер имзо чекдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Германия Федерал Президенти Роман Герцог шарафига қабул маросими уюштирди.

(ЎзА)

Расмий ташриф муносабати билан

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РОМАН ГЕРЦОГ

1934 йил 5 апрелда Бавария ўлкасининг Ландсхут шаҳрида туғилган.

Ҳуқуқий билим олган: 1957 йилда Мюнхен университетининг ҳуқуқ факультетини битирган. 1964 йилда ҳуқуқ бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1970 йилда Христиан-демократлар иттифоқига аъзо бўлиб кирган ва сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлаган. 1971 йилгача илмий ва педагогик иш билан банд бўлган.

1971 — 1973 йиллар — Рейнланд-Пфальц ўлкасидаги Шпайер шаҳрида маъмурий фанлар институтида профессор, ректор бўлиб ишлаган.

1973 — 1978 йиллар — Рейнланд-Пфальц ўлкасининг Германия федерал ҳукуматидаги мухтор вакили.

1978 — 1980 йиллар — Баден-Вюртемберг ўлкаси ҳукуматида маданият, маориф ва спорт вазири.

1980 — 1983 йиллар — Баден-Вюртемберг ўлкаси ҳукуматида ички ишлар вазири.

1983 — 1987 йиллар — ГФР Конституциявий суди раисининг ўринбосари.

1987 — 1994 йиллар — ГФР Конституциявий судининг раиси.

1994 йил 23 майда Германия Федератив Республикасининг Федерал Президенти этиб сайланган.

Оилали, икки ўғли бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

СУХАРТО: ЎЗБЕКИСТОНДА БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ГУВОҲИ БЎЛДИМ

УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР

8 апрель куни Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига Индонезия ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари кўтарилди.

Аэропортда Индонезия Президенти Сухарто ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга баҳорий гуллар тақдим этдилар.

Шундан сўнг икки давлат Президентлари шоҳсупага кўтарилди. Индонезия ва Ўзбекистон Республикалари давлат мадҳиялари янгради. Сухарто ва Ислом Каримов миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортнинг муҳташам биносида меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашди.

Сўнгра Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Аэропортда Ўзбекистон ва Индонезия Республикалари Президентларининг қисқа мулоқоти бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни ўзбек заминида қизғин қутлаб, унинг ташрифига муваффақиятлар тилади.

Индонезия ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони юксак мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Тошкентнинг асосий кўчалари ва майдонларида икки дўст мамлакат байроқлари ҳилпирайди. Халқлар дўстлигини, меҳмонларни олқишловчи икки тилда битилган шиорлар кўчалардаги байрамона руҳга янада кўтаринкилик бахш этади. Меҳмонларни минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари олқишладилар.

Шаҳар ташқарисидаги қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Индонезия Президенти Сухарто ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Индонезиялик мўътабар меҳмон ташрифи дастури Алишер Навоий боғида, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан давом этди.

Алишер Навоийнинг улмас асарлари бугунги кунда жаҳондаги унлаб тилларга таржима қилинган. Индонезияликлар ҳам буюк шоир ижодидан ана шундай таржималар орқали баҳраманд бўлиб келмоқда. Бобокалонимиз бундан беш аср муқаддам «Жаҳон аҳли, билингиз, иш эмас душманлиг, ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш» деб хитоб қилган эди. Мамлакатимиз раҳбарияти юргизаётган ташқи сиёсат бу ҳикматли сўзларга садоқат намунасидир.

Президент Сухарто буюк шоирни ҳурмат ва эъзоз билан ёд этди. Бу ерда тўпланган жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарларига бўлажак музокараларда муваффаққият тиладилар, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига умид билдирдилар.

МУЗОКАРАЛАР

Индонезия давлат раҳбари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар Дўстлиги саройига келди. Бу ерда икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.

— Индонезия масофа жиҳатидан биздан анча йироқ бўлсада, маънавий жиҳатдан жуда яқин мамлакатдир, деди Ислом Каримов, Президент Сухарто жанобларини юртимизга ташрифи билан яна бир карра қутлар экан. Зеро, Индонезия Ўзбекистон истиқлолини биринчилар қаторида тан олди. Мамлакатимиз билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ўрнатишга киришди. 1992 йилда Индонезияга ташрифимиз чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Узбекистон раҳбари музокаралар чоғида мамлакатимиз Индонезия билан алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди. Хусусан, тўқимачилик саноати, усимлик мойи, чой қадоқлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболли эканини, бу борада қўшма корхоналар ташкил этиш ўзаро манфаатли булишини таъкидлади.

Индонезия Президенти ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан Президент Ислом Каримов билдирган таклифларни маъқуллади. Имзоланган ва имзоланажак ҳужжатларнинг амалга татбиқ этилиши гоят муҳим эканига эътиборни қаратди.

— Индонезия Узбекистонда пахтадан ип йигирадиган қўшма корхоналар қуришдан, айниқса, манфаатдордир, деди жаноб Сухарто. — Шунингдек, узаро ҳамкорликнинг ривожини таъмин этувчи консорциумлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Шу нарса қайд этиб ўтилсинки, қабул қилинган қарорларга қарамай, ташқи иқтисодий фаолиятда турли баҳоналар билан бартер (мавоза) операциялари ҳамон амалга оширилаяпти, улар бўйича номутаносиб тарздаги айирбошлаш ҳоллари мавжуд бўлиб, солиқларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда келиб тушиши ҳамда валюта даромадининг бир қисмини мажбурий равишда сотиш таъминланмаяпти. Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), Прокуратура (Мустафоев) 1994 йил ҳамда 1995 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра ушбу масала бўйича ишларнинг аҳволини таҳлил этсинлар ва «Бартер» (мавоза) асосида амалга ошириладиган экспорт-импорт операцияларидаги бузғунчиликлар ва суиистеъмолларни бартараф этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 9 июлдаги Фармонини бузганлик учун айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

2. Юқорида айтилган Фармоннинг 2-бандига қўшимча қилиб шу нарса белгилаб қўйилсинки, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг рухсати билан истисно тарзидагина бартер (мавоза) бўйича экспорт-импорт операцияларига йўл қўйилади.

3. Бартер операцияларини амалга ошириш чоғида солиқ солиш мақсадларида маҳсулот жўнатилган кунни маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинган пайт деб ҳисоблансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, барча экспорт ва бартер шартномалари, шу жумладан Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва вакил қилинган банкларда қайд этилган шартномалар Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда Бош божхона бошқармасида ҳисобга олиниши лозим.

5. Валюта даромадининг бир қисмини мажбурий сотиш бўйича белгиланган тартиб бузилган ҳолларда солиқ органлари айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорларда молиявий жазо чоралари ҳамда маъмурий жарималарни қўлласинлар.

6. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида Давлат солиқ қўмитасининг, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг, вакил қилинган банкларнинг раҳбарлари огоҳлантирилсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

8. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 апрель

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Шошилинч хабар

Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазият сўнгги кунларда яна кескин тус олди. Қуролли жангариларнинг Афғонистон ҳудудидан қилган ҳаракатлари натижасида Россия ва Қозоғистон ҳарбий хизматчилари орасида қурбонлар бор.

Узбекистон Республикаси тожик миллати ўртасидаги мулоқотни давом эттириш, миллий сулҳга эришиш ҳамда Тожикистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида анча куч-ғайрат сарфлади.

Президент Ислом Каримовнинг Тожикистон мухолифати раҳбарлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувида Тожикистон тушиб қолган оғир аҳволдан фақат сиёсий мулоқот йўли билан, ташқаридан бўладиган тазйиқларсиз, узаро мурасо йўлларини излаш асосидагина чиқиш мумкинлиги таъкидланган эди. Узбекистон Республикаси Президенти мухолифатни мақсадга эришишнинг ҳарбий, жангарилик усулларидан воз кечишга чақириб, бу усуллар тожик миллатининг, Тожикистон халқининг манфаатларига мутлақо мос келмаслигини айтган эди.

Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмагида тожик миллати ўртасидаги мулоқотни давом эттиришга қаратилган фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, мухолифатни муаммони ҳал этишнинг ҳар қандай қуролли усулларидан тийилиб туришга чақиради ва бундай иғвогарлик тадбирларини қатъиян қоралайди.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 апрель.

СУХАРТО: ЎЗБЕКИСТОНДА БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ГУВОҲИ БЎЛДИМ

(Боши 1-бетда).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Расмий музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баённомани имзоладилар.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Индонезия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Али Алатас Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги меморандумга ҳамда икки мамлакат пойтахтлари оралиғида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекдилар.

— Дўстлик ва ҳамкорлигимиз улуғ аждодларимиздан меросдир, деди Ислом Каримов музокаралар якунлари юзасидан журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан. — Буюк бобокалонларимиз ва уларнинг мероси Индонезия халқи томонидан эъзозланишидан фахрланамиз. Бугун имзоланган ҳужжатлар ана шу азалий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Индонезия Президенти Сухарто жаноблари ҳам имзоланган ҳужжатларнинг ғоят муҳимлигини таъкидлади.

— Мен Ўзбекистонга 1989 йилда ҳам ташриф буюрганман, — деди жаноб Сухарто. — Бироқ бу гал мен ўз истиқлолини қўлга киритган Ўзбекистонга келдим. Ўтган қисқа муддат ичида қанчалар буюк ўзгаришларни амалга оширганингизга гувоҳ бўлиб турибман. Мен Ўзбекистоннинг истиқболига ҳамда дўстлик ва ҳамкорлигимиз янада ривож топишига ишонаман.

ТАНИШУВ

9 апрель куни Индонезия Президенти Сухарто замин сайқали Самарқанд сафарида бўлди.

Олий мартабали меҳмон Шарқнинг буюк алломаларидан бири, улуғ муҳаддис Имом Бухорий мажмуини зиёрат қилди. Зиёратгоҳни обод этиш борасида олиб борилаётган ишлар билан қизиқди. Муборак қадамжода Индонезияда нашр этилган 300 дона қуръонни тоншириш маросими бўлиб ўтди.

Индонезия давлат раҳбари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилар экан, ташрифи буюк соҳибқирон таваллуд кунига тўғри келганидан мамнуният изҳор этди. Сўнгра Президент Сухарто афсонавий Регистон майдонини, Шоҳизинда ёдгорлигини, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек расадхонасини бориб кўрди.

Самарқанд сафарида Индонезия Президентига Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ҳамроҳлик қилдилар.

10 апрель куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Президенти Сухарто Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюрди.

Меҳмонлар бирлашмадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар, ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш борасида фикрлашиб олдилар.

Шу куни Индонезия Республикаси Президенти Сухартони расмий кузатиш маросими бўлди.

Аэропортнинг муҳташам биносида меҳмонлар расмий делегация аъзолари ва хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан хайрлашдилар.

Индонезия ва Ўзбекистон давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто шоҳсупага кўтарилдилар.

Индонезия ва Ўзбекистон Республикалари давлат мадҳиялари янгради.

Президент Сухарто Ислом Каримов ҳамроҳлигида миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг Индонезия Президенти Сухарто бошлиқ делегация Тошкентдан Ашгабадга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президент Сухарто ва унинг рафиқасини Ислом Каримов рафиқаси билан, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатувчилар орасида Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил ҳам бор эди.

(ЎзА)

Қанотли хабарлар

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Қашқадарё — республикамизнинг энг серқуёш, иссиққа бой воҳаларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу ерда баҳор эрта келиб, дала ишлари бошқа вилоятларга нисбатан барвақт бошланади. Мана бир неча кундирки, воҳанинг барча туман ва хўжаликларида баҳорги экиш-тикиш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Баҳористон, Касби, Усмон Юсупов, Муборак, Косон туманларида чигит экишга киришилганига ҳам ўн кундан ошаяпти. Мақсад барча техника ва ишчи кучидан оқилона фойдаланиб, ернинг оптимал ҳароратида чигит экишдан иборат.

Шу ўринда Косон туманидаги Беруний номли жамоа-ширкат хўжалигида катта сафарбарлик ишлари бажарилмоқда. Хўжаликда ҳозиргача 300 гектар майдонга сифатли чигит экиб бўлинди. Оназамин бағрига илк бор уруғ ташлашга улгурган Ҳайдар Рустамов, Тўлан Рўзиев, Қаржов Эргашев бошлиқ ёшлар бригадалари далаларида чигит бир текис униб чиқди.

Хўжалик ёшлар ташкилот қўмитаси котиби Шавкат Раҳмоновнинг изоҳлашича, айни пайтда хўжалик далаларида 200 дан ортиқ Ёшлар Иттифоқи аъзолари фаоллик кўрсатиб, деҳқонларга мададкор бўлмоқдалар. Уларнинг бу ҳимматидан эса хўжалик раҳбарлари беҳад мамнун эканлигини таъкидлади.

Ҳа, Қашқа воҳасининг қай бир хўжалигида бўлманг далаларда меҳнат жўш ураётганлигининг гувоҳи бўласиз. Деҳқон баҳорининг шукуҳи кузакда мўл ҳосил етиштирилажагини кўрсатиб турибди.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ, «Туркистон» мухбири.

Истиқлол қалдирғочлари

2. УМИДБАХШ ТОНГЛАР

«Туркистон»имизнинг нозиктаъб муштарийлари, Ассалому алайкум! Сиз билан яна бир қутлуғ ва муборак тонгда учрашиш бахтига мушарраф бўлдик. Тонгда чин кўнгилдан айтилган бир оғизгина илиқ сўз, яхши ният ва ширин калом — бошланаётган ёруғ кунимизнинг баракалироқ ва омадлироқ бўлишида асқотаркан. «Ассалому алайкум»нинг маъноси эса Сизу бизга аён: «СИЗГА ТИНЧЛИК ТИЛАЙМАН!»

Ассалом, Тонг! Ассалом, Бобо Қуёш! Ассалом, Ўзбекистон!

Ўтган галги учрашувимизда биз Сизлар билан иккинчи бекатда бир муддат тўхтаб ўтмоқни ният қилган эдик. Мана ўша дамларга ҳам етиб келибмиз. Демак, диққат қилинг:

ИККИНЧИ БЕКАТ — ҚЎҚОН

Ватанимизнинг энг йирик саноат, маданият ва маърифат марказларидан бири

Қўқон. Узбекнинг уйғоқ шаҳри. Унинг фарзандлари Ватанни Она қадар севгувчилар, Ота қадар эъзозловчилар, Сингил қадар асровчилар. Ағёрни ҳам дўстга, лоқайдни ҳам дардлига айлантира оладиган кишилар асли қўқонликлар. Айтишларига қараганда, бу шаҳарнинг донига тўйиб олган чумчуқ Маккатуллоҳдан қайтиб келаркан.

Бугунги Қўқон — Узбекистоннинг энг йирик саноат, маданият ва маърифат марказларидан бири. Айни кунларда шаҳарда икки юз мингдан зиёд турли миллатга мансуб бўлган аҳоли истиқомат қилаяпти.

Бугунга келиб, Қўқон шаҳрида 32та йирик саноат корхоналари бир маромда фаолият кўрсатиб турибди. Шаҳар ишбилармонлари давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кунлардан бошлаб Қўқонга чет эл сармоясини ва ҳамкорларни жалб этишга киришдилар. Бунинг натижалари ўлароқ, ўтган қисқа фурсат ичида бу ерда «ДУСТЛИК-ЭМ» Узбек-Хитой қўшма корхонаси, «РУСТАМ» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби саноат корхоналари барпо этилди. Уз қувватига кўра Марказий Осиё давлатлари орасида улкан саналган Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув бирлашмаси, Тўқимачилик машинасозлиги заводи, «Мастона» (собиқ ароқ-вино заводи), Ёғ-мой комбинати, қисқа қилиб айтганда, мавжуд саноат корхоналарининг ун ва ўтитаси бугун мулкчиликнинг тамомила янги шакли — очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Шаҳар саноат ишлаб чиқаришида уларнинг салмоғи 86 фоизга етди! Бу кўрсаткич вилоятнинг уртача кўрсаткичидан салкам ун беш фоиз юқори демакдир.

Қўқон азал-азалдан ўзининг уста тижоратчилари билан ҳам ном қозонган. Қўқон бозори кеча-ю кундуз, тинимсиз ишлайди! Шаҳардаги мавжуд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам шу куннинг талаблари даражасида фаолият кўрсатиб келяпти. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Бахтиёржон Толиповнинг таъкидлашларича, Қўқондаги савдо-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида шаҳобчалари юз фоиз хусусийлаштириб берилган!

«Роҳат» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг ва фирма раҳбари, республикада хизмат кўрсатган савдо ходими Нуриллоҳ Ҳожи Абдуллаевнинг номи бугун республикамиз шаҳар ва туманларида анча тилга тушиб қолган. «Роҳат»чилар хорижлик ҳамкорлари билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйишган. Фирма жамоаси одилона рақобат билан қуплаб давлат корхоналарининг курагини ерга теккизиб келяпти. Улар ўз даромадларининг асосий қисмини саховат ишларига, айниқса, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратганлар. Худди ана шу боис Ҳожи акани минглаб қўқонлик ёшлар эъзозлашади.

Шаҳар ҳокимлиги Қўқонда йирик ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб бориш, чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш, шунингдек, хусусий сектор салмоғини янада оширишга катта аҳамият бериб келяпти. Республикамиздаги энг йирик қурилишлардан бири — Қўқон спирт ишлаб чиқариш заводи қурилиши ҳақида алоҳида тўхталиш керак, бизнингча.

Собиқ Янгиқўқон кимё заводи ҳудудида қад ростлаётган бу завод қурилишини «Қўқонқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 113-механизациялашган кўчма колоннанинг пешқадамлари олиб боришмоқда. Қурилиш 1992 йилнинг иккинчи ярмида бошланган эди. Ўша йили колонна қурувчилари жами 46 миллион сўмлик, шу жумладан ўз кучлари билан 39 миллион 960 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга эришдилар. 1993 йилдаги кўрсаткичлар ҳам чакки бўлмади.

Лекин, ўтган 1994 йилда қурувчилар қарийб уч ярим ой давомида ишсиз қолиб кетишди. Таъминотчи идораларнинг айби билан бу ерга зарур қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмади, қурилиш ишлари анча орқага қараб кетди. Бундай ҳолатга республика ҳукумати адолатли баҳони бергачгина ишлар жонланди. Маблағларнинг манбалари, керакли ускуна ва материаллар узлуксиз келтирила бошланди. Қурилиш ишини ҳеч қандай узилишларсиз давом эттириш, бажарилаётган ишларнинг сифати ва миқдорини қатъий назорат остига олиш мақсадида бевосита шу ернинг ўзида махсус штаб ва мутасадди раҳбарларнинг навбатчилиги ташкил этилди.

Шундан бери спирт заводи қурилишидаги меҳнат маромининг бирор кун ҳам издан чиққани йўқ. Шу йилнинг ўтган январь ойининг ўзида бу ерда салкам икки миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Ҳозир завод қурилишида юз нафардан зиёд қурувчилар — пайвандчи, пардозловчи, бетончи, монтажчи ва чилангарлар фидокорона меҳнат қилишяпти. Ҳозиргача бир йўла 24 минг тонна бўғдой донини сақлаш қувватига эга бўлган улкан иншоот, спирт ишлаб чиқарувчи асосий цехлар биноси, ишчи бинолар ва тайёр маҳсулотларни сақлаш омборлари тўла қад ростлади. Уларда сўнгги пардозлаш ишларига тайёргарлик давом эттирилмоқда.

Мутахассисларнинг кафиллик беришларича, шу йилнинг апрель ойи якунигача завод учун керакли бўлган барча асбоб-ускуналар ва технологик линиялар келтирилиши якунланади. Узлуксиз иш маромини таъминлаш туфайли завод кечи билан 1 июлгача ишга тушириш имкони бор. Қурувчиларнинг ҳам, буюртмачиларнинг ҳам мақсадлари шу! Завод тўла қувват билан ишга тушадиган бўлса, у йилига ўрта ҳисобда бир миллион саккиз юз минг деколитр тоза спирт ишлаб чиқаради. Бу эса республикамиз халқ хўжалигини, айниқса тиббиёт ва доришунослик тармоқларини спиртга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли демакдир.

Ҳар галгидек биз яна қурилишда меҳнат қилаётган энг фаол замондошларимизни Сизларга таништириб утмоқчимиз. Буни биз шу саҳифамизнинг «ҲУРМАТ ТАХТАСИ» деб атадик. Мана улар, тонгни тунларга улаб, пешона тери тукаётган илғорлар:

Акбаржон ХУЖАЕВ — 113-кўчма колонна бошлиғи,

Мансуржон ИСОМИДДИНОВ — қурилиш устаси,

Зоир МУҲАММАДЖОНОВ — пардозловчилар бригадаси етакчиси,

Ҳамдабой ЙЎЛДОШЕВ — монтажчилар бригадасининг бошлиғи,

Азимжон ҒАНИЕВ — ишчи.

«Улар ишлашяпти. Бу — меҳнат холос». Бугун қайси соҳа ёки мавзуга қўл урмайлик, аввало; ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида тўхталяпмиз. Чунки, утиш даврида асосий ишчи кучини, жамиятни ҳаракатлантириб турган қатламларни моддий томондан рағбатлантириш ва манфаатдорлигини ошириш энг заруриш шартлардан саналади. Қўқон спирт заводи қурилишида меҳнат қилаётганларни ижтимоий муҳофазалаш колонна ва ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарларининг, шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг эътиборида турибди. Уларга бепул тушлик ташкил этилган, ойлик маошлари, мукофот пуллари ўз вақтидан кечиктирилмасдан бериб бориляпти.

Лекин, «кўп жойларда ишчи-хизматчилар банк тизимидаги беқарорлик ва расмиятчиликлардан зада бўлиб турган бир пайтда қурилишда ишлаётганлар наҳотки, бу муаммолардан мутлақо холи бўлсалар?» деган ўй бизни Қўқон шаҳар саноат-қурилиш банкига етаклаб келди. Банк бошқарувчиси Наримон МАСОДИҚОВ:

— Ҳа, тўғри! Спирт заводи қурилишида ишлаётганларнинг ҳақлари бир кун ҳам кечиктирилмасдан, ўз вақтида бериб турилибди. Қурилишдаги барча банк операциялари, олди-берди жараёнларини ўзим назоратга олганман. Банкимиз ушбу қурилишга 55 миллион сўмлик ресурсларни ажратган.

— Мени кечирасизу, жуда кўп ҳолларда банкирлар меҳнаткашларга қоп-қоп ваъдаларни беришади-да, кейин турли баҳоналарни рўкач қилишиб, аҳдларини бузишади. Демоқчиманки, уларнинг иш ҳақларида бундай кейин ҳам узилишлар бўлмаслигига кафолат бера оласизларми?

— Ҳа, мен, банк бошқарувчиси сифатида бутун масъулиятни зиммамга олиб такрорлашим мумкин: маош масаласида ҳеч қандай узилишлар бўлмайди!

— Яхши, Наримон ака, мен буни ка-а-атта қилиб ёзиб қўйдим.

Қўқон ва қўқонликлар, шаҳарда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар хусусида анча гапириш мумкин. Чунки, бу ерда мақташга арзигулик унчамунча ишлар қилиб улгуриляпти, шаҳарликларнинг руҳлари тетик, Президентимизнинг сиёсатини тўласича маъқуллаб яшаяптилар.

Лекин, азиз муштарий, бизни учинчи бекатдагилар кутиб қолишди! Сиз билан биз Фарғонанинг яна бир уйғоқ маскани ва ишлаётганлиги, ҳамюртларимизнинг қандай яшаётганликлари, нималар ўйлантираётганлиги ва қувонтираётганлигига гувоҳ бўламиз. Йўлимиз нурли ва ойдин.

Ҳозирча эса ...хайр!

Рустам Бой МУҲАММАД «Туркистон» мухбири. Фарғона вилояти.

Дарахт ўтқазганга минг раҳмат

МУЛЛАЖОН ПОЛВОННИНГ БОҒИ

Водийдан хўп одамшинаванда кишилар етишиб чиққан. Муллажон ака ҳам асли Андижоннинг Ширмонбулоғидан. Лекин меҳнатга бўлган иштиёқ, қолаверса турар жой, ер, ҳовлига бўлган эҳтиёж уни Жиззахнинг Дўстлик туманидаги Манас номли ижара ширкатлар бирлашмасига етаклаб келган эди. У қатор йиллар шу ерда тер тўкди, оилалик бўлди. У тинимсиз меҳнат туфайли ва ҳар қандай оғир ишлардан ҳам қайтмаслигидан, қолаверса ёши 70 га яқинлашсада унча-мунча одамга куч бермаслигидан, нафақат куч балки, ҳазил-мутойиба ҳамда кулгуни ҳам жойига қўйганидан «полвон» деган ном орттирди.

Баъзилар «ёшим фалон жойга борди, қаридик» қабилидаги сўзлар билан ўзларини меҳнатдан олиб қочишади. Тўғри биз «сиз» 60 ёшда бўлсангиз ҳам ишлайверинг» демоқчи эмасмиз, бу сиздаги куч ғайратга, интилишга, келажакка теран боқишингизга боғлиқ.

Муллажон ака тап-тақир бўлиб ётган дала шийпони атрофига олма, шафтоли, гилос, беҳи каби мевали дарахтларни кўплаб турларидан ўтқазди. Айрим ҳафсаласиз одамлар ўшанда Муллажон полвоннинг устидан кулдилар. «Эй, полвон, бу ерда дарахт битадими, мол кўп бўлса, қўй-эчкилар бор. Ейди, қўяди, қолаверса сувиниям вақтида тополмайсан», — дейишди. Аммо Муллажон полвон дўсти Маматқул Ҳайдаров билан ўз сўзларидан қайтишмади. «Ахир инсонмиз-ку, мол-ҳол келса ҳайдаймиз, сувни жуда тополмасак ташиб келтирамиз, ҳаракатдан баракатку» — дея ўйлади полвон.

Орадан етти-саккиз йил ўтди. Эндиликда полвон билан Маматқул эккан дарахтларнинг меваси май ойидан то ноябргача бирин-кетин ҳосил қилади. Унинг меваларидан еганда, баъзи кесатган одамларнинг боғ бўлмаслиги ҳақидаги гаплари эсларидан ҳам чиққан бўлса керак. Ўтган йиллар давомида Муллажон ака боғни янада кенгайтирди. Мевали дарахтларни кўпайтирди. Ҳозир бу боғнинг мевасини истеъмол қиладиган ҳар қандай киши Муллажон ака ва унинг дўстларини меҳр билан тилга олишади. Агар 70 ни қоралаган Муллажон ака баъзи ишёқмас кимсаларнинг гапига кирганда бугун унинг боғи ҳам, меҳр билан тилга олинадиган номи ҳам бўлмаслиги мумкин эди. Хуллас калом ишқ ҳам, муҳаббат ҳам, қолаверса яратиш, инсонларга фойдали ишлар қилиш ҳам ёш танламас экан.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ, «Туркистон» мухбири.

Халқ таълими: бугун ва эртага

«МАКТАБ, МАҲАЛЛА, ОИЛА»

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида ана шу мавзуда республика семинари бўлиб ўтди. Унинг ишида муаллимлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар қатнашдилар. Семинарни туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ўтказди.

Семинарни ўтказиш ва у билан боғлиқ масалалар бўйича масъул бўлган ходимлар билан суҳбатлашдик.

Икромиддин ВАЛИЕВ, Пахтаобод тумани ҳокими ўринбосари:

— Аввало, туманимизда шундай республика миқёсидаги тадбирнинг ўтказилганлигидан хурсандмиз. Энг муҳими, меҳмонлар бизда «Мактаб, маҳалла, оила» борасида олиб бораётган ишлар билан танишдилар, ўз фикрларини баён этдилар. Бу эса биз учун жуда муҳим.

Туманимизда биз бу йилни Маориф йили деб атаганмиз. Бу бежиз эмас. Мактабни 2 йил таъмирлашсиз ўтказган жамоага ва унинг директорига махсус унвон белгилаганмиз. Бунинг ўзи бўлмайди.

Директорнинг, ўқувчи ва ўқитувчининг, ота-онанинг, ташкилот раҳбарининг мактаб борасидаги фикрларини ўзгартира олдик. Болалар бизнинг, шу онаюртимизнинг келажаги, бахти эканлигини тушунтирдик. Барчамиз бир бўлиб шу бахтга эришиш йўлида курашмоғимиз лозим. Натижалар ёмон эмас. Ҳозирда ҳар бир мактабдан 5-6 нафар ўқувчи махсус стипендиялар билан тақдирланишган. Мактабларимиз ҳам ёмон эмас. Туман ташкилот раҳбарларидан аксарияти ҳар бир мактаб учун жавоб беради.

Кўпгина уйлар олдида спорт майдончалари йўқ. Борлари ҳам қаровсиз. Кичкинтойларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратмоқдамиз. Илгарилари болалар учун махсус ўйлакчалар йўқ эди. Ота-оналарнинг таклифи билан бу ишни йўлга қўйдик.

Баҳодиржон РЕЖАПОВ, туман халқ таълими бўлими мудири:

— «Мактаб, маҳалла, оила» мавзусида ўтказган тадбир кенг жамоатчилик ҳамкорлигининг натижасидир. Туман ҳокимлиги, Ёшлар Иттифоқи, ҳамма имкон қадар бизни қуллаб-қувватлашди. Натижа эса ёмон бўлмади. Семинар қатнашчилари тумандаги 4-, 7-, 8-, 15-мактабларда бўлишди. Бу фақаттина юқоридаги мактаблар тадбир ўтказишга лойиқ дегани эмас. Тумандаги 41 мактабнинг барчасида семинар иштирокчиларини таништириш учун янгилик мавжуд. Бу мақтаниш эмас.

Куни кеча «Аёлларни асранг эркаклар...» мавзусида тадбир ўтказдик. Бунда кам даромадли оилалар фарзандларига уст-бош қилдик. 4 нафар ўқувчи номига алоҳида жамғарма очилди. 41-мактабда (директори Насибахон Ёқубова) ўтказилган бундай тадбир ягона эмас.

Нўъмонжон РАҲМОНОВ, Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси биринчи котиби:

— Мактабларимиз аҳволидан кўнглим жуда хижил эди. Яхшиям унинг йўлини топдик. Имкон қидирсанг, ҳамма ишни бажарса буларкан. Туманимизда катта концерт уюштирдик.

Туманимизда «Мирзо Улуғбек» стипендияси ташкил этилган. У иқтидорли, билимли, намунали йигит-қизларга берилади. Шу кунга қадар бундай стипендияга ҳар бир мактабдан 5-6 ўқувчи сазовор бўлган. Ижодкор болалар ўртасида ҳам Ҳабибий мукофоти таъсис этилган. Шунингдек, «Энг яхши синф ва унинг раҳбари» кўрик-танловини ўтказаяпмиз. Мазкур тадбир ўқувчилар ўртасида таълим ва тарбияни кучайтириш, билим олишга қизиқтириш, синф раҳбарларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ўқув даргоҳларида Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган. Кўрик-танлов ғолиблари Хонобод шаҳрига бепул саёҳат қиладилар. Синф раҳбари туман халқ таълими бўлими томонидан бир ставка миқдорида ойлик билан тақдирланади...

Ҳар ойнинг учинчи чоршанбаси «Усмирлар куни» қилиб белгиланган. Шу йилнинг февраль ойида бошланган ушбу тадбирнинг натижалари кишини қувонтирмоқда.

Қумрихон КАРИМОВА, Анисий номли 8-ўрта мактаб директори:

— Семинар қатнашчиларининг мактабга ташриф буюргани жуда қувончли кечди. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси бундан беҳад хурсанд. Мактабимиз 1986 йилдан буён янги замонавий бинода фаолият кўрсатмоқда. Бу даврда мактаб ислоҳоти энди қадам қўяётганди. Ўқитувчиларимиз фаоллиги ўз самарасини бераётгани жуда қўл келмоқда.

Ўқув даргоҳимизда 835 нафар ўқувчи бир сменада таҳсил олади. Уларга 58 нафар муаллим турли фанлардан сабоқ бериб келаётир. Тўгараклар иши кенг йўлга қўйилган. Касбга йўналтириш ишларини ҳам яхшилаяпмиз.

Мактаб партасида таҳсил олиб кетган ўқувчиларимиздан кўплари айни дамда устозлик қилишмоқда. Маннора Мамадалиева, Турсуной Жумаева, Азизбек Неъматов, Муҳаббат Сотиволдиева кабилар шулар жумласидандир.

«Маҳалла ва мактаб» кўрик-танловини ўтказиб турамиз. Мактабимизда «Меҳр-шавқат» гуруҳи мунтазам иш олиб боради. Ибратли оилалар ўқувчиларнинг тез-тез меҳмони бўлиб турадилар.

Турли тадбирларни ўтказишда бизга базавий корхона — тумандаги 115-механизациялашган кўчма саф яқиндан кўмак бераётир. Таъмирлаш ишлари ҳам уларсиз утмайди. Яхшиям, шундай яхшилар бор.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: 1993-1994 ўқув йилида ўтказилган Анисий номли 8-ўрта мактабнинг «Энг яхши ўқувчиси», тумандаги «Мирзо Улуғбек» стипендианти Ҳилола Ваҳобова; мактабдаги рассомчилик тўгараги ўқитувчиси Улуғбек Қаҳҳоров 9-синф ўқувчилари Азизбек Алимов ҳамда Тошлонбек Деҳқоновлар билан машғулот пайтида.

Ислоҳот одимлари

БЕГИМОВНИНГ УН ТЕГИРМОНИ

- Ёшлар бор жойда...
- Яхши ният йўлида.
- Саноат қишлоққа киргач...

Унинг бугдойранг юзи кўпинча қувончдан ёришиб туради. Аммо... Иши юришмаган кунлари жаҳл отига минадиган одати ҳам йўқ эмас.

— Бу ун халталаридаги ёрлиқлар қани?

Корхона ходимлари Тоштемир аканинг саволига жавоб беролмай жим туришар эди.

— Ҳали ёрлиқ ҳам бўлиши керакми?

Эндигина иш бошлаган йигит дабдурустдан саволга савол билан жавоб қайтарди.

Гапнинг очиғи бу ерда меҳнат қилаётган кишилар, айниқса, ёшларнинг кўпчилиги кечагина пахта далаларида ишлашар эди. Кечаги деҳқон бугун ун тегирмонидаги дастгоҳлар билан «муомала» қилишига тўғри келди.

Тоштемир ака Бегимов ёш ишчилар, айрим ходимларни тўплаб, уларга дўқ уришни раҳбарга хос фазилат деб билмади. Аксинча, йўл-йўриқлар берди. Қандай қилса иш сифати яхшиланиб, корхонада тайёрланаётган уннинг бозори чаққон бўлишини тушунтирди.

Чунки... Тоштемир ака қарийиб йигирма йилдан буён шу соҳанинг нонини еб келаётган кишилардан бири. Жамбул технология институтини битирганидан сўнг Шўрчи дон маҳсулотлари комбинатида тегирмон бошлиғи бўлиб ишлади. Қисқаси донни қайта ишлашнинг ўзига хос сир-асрорларидан яхши хабардор.

1994 йилда эса ... Ташландиқ бир жойда ун тегирмони қуришга киришиб кетди. Бу таклиф Шеробод туман раҳбарларига — вилоят дон қабул қилиш ва қайта ишлаш бирлашмаси бошлиғи Пиримқул Алиёровга маъқул тушди.

Мана бир неча ойдирки, шўр босиб ётган ерда худди афсонадаги каби янги корхона қад ростлади. Тоштемир ака ун тегирмонини қуриш учун қарийиб бир йил халоватидан кечди. Елиб-югуришлар елга учмади. Эндиликда Тоштемир аканинг ун тегирмони дон қабул қилиш ва қайта ишлаш корхонасига айлантирилди.

— Ишлардан кўнглингиз тўқми?

— Худога шукур, анча юришиб кетди. — дейди корхона раҳбари Т. Бегимов. — Эркин Мирзаев, Холмат Дубаров, Холмирза Алламуродов, Очил Аминов, Саид Қаҳҳоров, Ашур Гулматовлар маҳсулот сифатини яхшиланишига интилмоқдалар. Биласизми, корхонамиз ёш. Бунинг устига ишчиларнинг кўпи ёшлар.

— Эндиги ниятлар қандай?

— Шерободда иссиқ нон цехи қуряпмиз. Макорон ва комбикорма цехини шу йилнинг ўзида ишга туширмоқчимиз. Ишчиларга ошхона, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотадиган дўкон, ювинадиган хона қуришни ҳам режалаштириб қўйдик.

У гурунглашаётиб бизни қурилиш майдонига бошлаб борди. Тайёр маҳсулотларни сақлаш омбори қурилаётган экан. Янги цехлар қурилиши ҳам бошланиш арафасида.

Жовли ХУШБОҚОВ. «Туркистон» мухбири.

Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним

ФУҚАРОЛИКНИНГ БУЮК БЕЛГИСИ

Маълумки, республикамизда янги паспорт тизими тўғрисидаги Низомнинг кучга кирганига ҳам анча вақт бўлди. Ҳозир жойларда фуқароларга янги паспорт бериш қизғин давом этмоқда. Бу жараён ниҳоятда долзарб ва қувонарли. Чунки, янги паспорт фуқаронинг қайси давлатга мансуб эканлигини кўрсатувчи муҳим бир ҳужжат ҳисобланади.

Фуқароларга янги паспорт бериш Қашқадарё вилоятида ҳам муҳим тадбир сифатида тантанали равишда олиб борилаяпти. Бу соҳада воҳанинг Ғузор, Китоб, Қарши ва Қамаши туманларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур туманларда бу жараён бошлангандан буён 2000 дан ортиқ фуқаро янги ҳужжат олишга муваффақ бўлди.

Биз куни кеча Ғузор туманида бўлиб, туман ИИБ кириш чиқиш ва фуқаролик бўлими бошлиғи, милиция капитани Шуҳрат Қурбонов билан мазкур тадбир туманда қандай ташкил этилганлиги хусусида суҳбатлашдик.

— *Шуҳратжон, Ўзбекистон Республикасининг янги паспортини аввало кимларга бераяпсизлар?*

— Шуни айтиш керакки, бу ҳужжат авваломбор туманимизда яшовчи барча фуқароларга берилади. Туманимизда 122 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Шундан ҳозирги ҳисоб-китобга кўра 59 минг фуқаро биринчи навбатда янги ҳужжат олишади. Биз ҳозиргача 1658 кишига янги паспорт берилишини таъминладик. Хўш, дастлаб янги ҳужжат кимларга берилаяпти деб ўйларсиз. Биз илк бор тумандаги меҳнат ва уруш фахрийларига, биринчи марта паспорт олиш имтиёзига етганларга бераяпмиз. Бу нарса паспорт тизими тўғрисидаги Низомда алоҳида қайд этиб ўтилган. Йил охиригача туманимизнинг 15 минг фуқаросига янги ҳужжат беришни режалаштирганмиз.

— *Туманда янги паспорт илк бор кимларга топширилди?*

— Қариялардан Хушвақт Жовлиев, Қаюм Шоражабов, ёшлардан Комил Исмоилов, Моҳичеҳра Жураева, Лутфилла Мейлиев, Дилмурод Нормуродовларга топширилди. Биз ҳужжатларни тантанали равишда топширяапмиз. Очиғи, фуқаролар мустақиллигимизнинг буюк белгиси бўлган мазкур ҳужжатни олишдан беҳад қувонмоқдалар.

— *Янги ҳужжатни ёзиш ва расмийлаштиришда қийинчиликлар борми?*

— Паспортдаги ёзувлар олдингидек қўлда эмас, компютерда ёзилади. Бу ниҳоятда масъулиятни талаб этади. Шу боис, биз махсус хона ташкил этганмиз. Унга бегона кишиларнинг кириши ман этилган. Хонада фақатгина ходимларимиз Оля Черенкова, Раъно Ҳақбердиевалар махсус аппарат, яъни компютер, ёрдамида паспорт ёзишади. Шахсан ўзим янги ҳужжатни ёзиш ва расмийлаштириш бўйича Тошкентдаги махсус курсда ўқиб келдим.

Ахрор САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон» мухбири.



ТОНГЛАР НАФИС

Қалб қувончдан ҳапқиради. Қиру-адирлар, тоғу-боғлар баҳор нафасидан сармаст. Қушларнинг чуғур-чуғурлари ҳам ўзгача. Мусаффо осмонда эса т урналар сайри. Бугун шаҳару қишлоқларимизда, маҳаллаю — гузарларимизда болалар варрак учиришмоқда. Шодликлари бир олам. Дилнинг дилторларини файзиёб кунлар чертади. Кўнгил кўкламнинг димоғни қитиқловчи сарафрозидан кенг далаларга кетгиси келади. Тонглар бир-биридан нафис. Гўзал ва беғубор.

Боболару момоларимиз ўтган ва келаётган кунларга шукроналар айтади. Қизу жувонлар элга сумалак тарқатиш билан овора. Баҳор эса кўйлакларини борлиқ узра ёймоқда.

Т. КЎЛОБ

Ёшлар Иттифоқида нима гап?

БИР МАҚСАД БИЛАН...

Республикада жиноятчилик кейинги йилларда камайган бўлса-да, ўсмирлар ўртасида тартиббузарлик, ҳуқуқбузарлик ҳоллари учраб турибди.

Айрим ёшлар яхши яшашни қандайдир йўллар билан пул топиш деб тушунишади. Ана шундай ёшларда билим олиш, янгиликка интилиш сусайиб кетаяпти. Шунинг учун ҳам баъзи ўсмирлар алдамчилик, ўғрилик каби иллатларга қўл урмоқдалар. Бу салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Самарқанд вилоят қўмитаси вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда «Ёшлар тезкор гуруҳи»ни тузиш бўйича қўшма қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ вилоят миқёсида «Ёшлар тезкор гуруҳи» шакллантирилди ва гуруҳ аъзоларига махсус гувоҳномалар топширилди. Эндиликда гуруҳ аъзолари эл осойишталигини сақлашда осойишталик посбонлари билан биргаликда ҳаракат қилишади.

Гуруҳ таркибида фаол иштирок этганлар Ёшлар Иттифоқи тавсияси билан ички ишлар органларига ишга қабул қилинишда имтиёзга эга бўладилар.

(Ўз мухбиримиз)

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

ИЙМОНГА САДОҚАТ ИЙМОНДАНДИР

Куни кеча Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида бобомиз ва у кишининг авлоду-аждодлари қадамжоларида бўлиб қайтди. 15 кунлик бу илмий экспедиция жараёнида Соҳибқирон ҳақидаги афсона ва ривоятлар, илмий қарашларга доир зарур маълумотлар тўпланди. Мазкур экспедицияга оид махсус мақолалар, чиқишлар унда иштирок этган нуфузли олимлар томонидан бажарилади ва халқимизга иньом этилади. Ушбуни ёзилажак мақолаларга сўз боши деб қабул қилгайсиз.

Бир ярим асрлик истибдод сўнггида Ўзбекистон истиқлолга эришди. Бу улкан тарихий воқеанинг бош сабабчиси ва ташкилотчиси Президентимиз Ислом Каримов. Бобомиз Амир Темур айтганларидек, «лашкарни бошқармоқ-лашкарбошининг маҳоратидандур».

Бинобарин, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ана шу йўлбошчимизга меҳр-садоқат, тўла иймон билан, ҳароратли меҳр билан қарамоқдалар, Президентимизга юксак ишонч билдирмоқдалар.

Тарихдан маълумки, буюк соҳибқирон бобомиз 35 йилдан кўпроқ вақт ҳукмронлик қилган бўлсалар, бу давр ичида жаҳонни ҳайратда қолдирган улкан қурилишлар, меъморчилик ишлари қилдилар, илм-фанни, маданият ва санъатни, ҳарбий таълим ва бадан тарбия мактабини ривожлантирдилар.

Бобомиз ўзининг ҳар бир юришида энг аввало, ўз иймонига тўла ишонч ҳосил қилган ҳолда, қўл остидаги амалдорлари билан мухтасар кенгашлар қурган тарзда, Аллоҳнинг мададкорлигига суяниб иш тутдилар: ўз жанговар йўналишларида учраган ҳар бир қадимий обида, масжиду мадрасани зиёрат қилганлар, тиловат ўқиганлар. Эскириб қолган ҳамда таъмирлашга муҳтож мақбара, масжид, қабр, ёдгорликларни янгилаш ёки таъмирлаш учун хазинадан маблағ ажратиб, таъмирлаш муддатларини белгилаб кетганлар ҳамда ўз буйруқлари ижросини юриш қайтишларида кўздан кечирганлар.

Ана шу маънода бобомизни халқлар маданиятини, айниқса Ислом олами қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш камарбастаси, деб тан оламиз, қадрлаймиз. Илм-фан жонкуяри, ҳарбий таълимнинг илмий-услубий ташкилотчиси сифатида эъзозлаймиз.

Халқимизда бир ўгит бор. «Ўзни ёмонласанг, ўзганинг меҳри кетар», дейдилар. Бу ўгит ўзга халқларда учрамаса ажаб эмас... Бобомиз шўро тузумининг ғоялари асосида босқинчи, каллакесар, қотил сифатида бадном қилиб келинди. Ўрта Осиё Коммунистик университетининг профессори К. Рамзиннинг қаламига мансуб бўлган, 1928 йили Москвада чоп этилган «Ўрта Осиёда ўзгариш» номли альбом-матндаги мана бу сўзларга эътибор қилинг-а: «Шўролар ҳукумати Ўрта Осиё тарихида янги саҳифа очди. Тўғрисини айтганда, янги саҳифа эмас, балки бу ўлканинг тарихини янгидан бошлади. Чунки ўзгаришгача бўлгон тарих Ўрта Осиё тарихи эмас, балки «урушиб олувчилар»нинг тарихи. У мустамлакачилар маданият тузиш эмас, балки тузилган маданиятни бузиб, вайрон этиб ерли халқни талон-тарож қилгондирлар... Фақат Шўролар ҳукуматигина Ўрта Осиёда маданият ва рўзгор ишларини бошлаб тузата бошлади ва жиддий равишда тузатмақдадир»

Биз ушбу мақоламизда буюк Соҳибқирон қадами етган ва у киши томонидан қурдирилган, таъмирланган обидалар ватанлари — Ҳужанд, Наманган, Қўқон, Андижон, Марғилон сингари катта шаҳар ҳамда кўплаб қишлоқлардаги тарихий муаммоларнинг барчаси ҳақида фикр беришни вазифа қилиб қўймаймиз. Экспедиция жараёнида аниқланган ва кўрган фактлар асосида бобомизнинг халқимиз яратган обидаларни, масжиду мадрасаларни кўз қорачиғидай асрашдаги хизматлари хусусида бироз фикр юритамиз холос.

Қардош Тожикистон Республикасининг Ҳужанд шаҳридамиз. Шаҳарнинг қоқ ўртасида X асрларда қад кўтарган Шайҳ Муслиҳиддин масжиди. Масжиднинг кенг ва мўҳташам ўрами. Ушбу қадим тарихга эга бўлган масжид буюк мутафаккир ва ислом оламининг таниқли арбоби Шайҳ Муслиҳиддин томонидан яратилган ва у кишининг жасадлари шу ерга қўйилган. Бу ҳақдаги ривоят ва битикларни кўздан кечирамиз. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, профессор Саъдулла Неъматовнинг айтишича, бобомиз 1391 йили Тошкентда бўлганларида Ҳужандга атайлаб вақт ажратиб, Шайҳ Муслиҳиддин масжидини зиёрат қилганлар. Масжидни жиддий кўздан кечиришгач, уни таъмирлаш учун кенгаш ўтказганлар ва масжид мутасаддисига тилла ҳисобидан ўн минг динор қолдирганлар. Масжид 1396 йилда таъмирлаб битказилган.

Ҳозирда бу муборак масжид такрор таъмирланмоқда.

Экспедиция асноси Андижон Давлат университетининг профессори таниқли бобуршунос Сайфиддин Жалилов бошчилигида Ҳужаобод туманида жойлашган Дилкушон — Бобур Мирзо келиб дам олган оромгоҳда ҳам бўлдик. Бу ерда бизни вилоят ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабой Ҳалилов ва туман ҳалқ таълими бошлиғи Тоҳир Тожиддиновлар кутиб олишди. Оромгоҳнинг ер сатҳидан 300 метрлар тепаликка — Султон супа — Хонтахти деб аталувчи ўринда Муҳаммад Заҳириддин Бобурнинг дам олиш жойи қурилган. Бу ерга шоир ва давлат арбоби Бобур Мирзо 1499 йилда келганлар. Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо ҳам соҳибқирон Амир Темурнинг бешинчи авлоди, 1456-1494 йилларда яшаган Умар Шайх Мирзонинг фарзандидир. Умар Шайх эса ўз навбатида Амир Темурнинг Мироншоҳ Мирзо исмли ўғлининг фарзанди.

Бобур Мирзо дам олган ушбу Хонтахти тоғ бағрида жумҳурият аҳамиятига молик дам олиш оромгоҳи қилиниб, унга вилоят ҳалқ таълими томонидан кўпни билган, нафақахўр тарихчи муаллиф Зулунбек ака раҳбарлик қилар экан. Тарихнинг гувоҳлик беришича, бу ерда шоир ижод қилар ва атрофини ҳарбий мақсадларда кузатар экан...

Сафаримиз қардош Қирғизистонга кўчади. Мана, ўша тарихий Уш шаҳрининг биқинида жойлашган Тахти Сулаймон тоғи. Бу жойнинг илк аталиши, оромгоҳга мутасаддилик қилаётган отахон Иброҳимжон Аҳмаджоновнинг изоҳ беришича, Шаҳрибаббар, сўнгроқ «Шаҳриқўҳи балон», деб аталган. Ер сатҳидан ярим километрлар тепаликда жойлашган бу обидага чиқиш учун 564 та зина санадим. Иброҳимжон ака дейди: «Тоғ устидаги ғор ичига пайғамбаримиз Сулаймон алайҳиссалом девларни олиб келган. Булар иймондан қайтганларни сўроқ қилганлар... 1494 йилда Бобур Мирзо юриш қилиб, бу ерга келганлар ва Сулаймон пайғамбаримизнинг сажда жойларида — тоғ устида бир неча кун бўлиб ўзларига уй қурдирганлар. Ҳозир бу уйни «Бобур уйи» деб атайдилар.

Ўзган шаҳри жуда қадимий. Унинг ҳудудида жойлашган обидалар, зиёратгоҳлар эса ўзбек халқининг ўтмиш маданиятидан, унинг саҳоватли кишилари маданияти бойлигидан далолатдир. Бобомиз Амир Темур ўз юришлари давомида бу ерлардан ўтганлар. Зиёратгоҳ ва азизларимиз ўтган жойларни кўриб, бу ерларни обод қилишга интилганлар.

Ўзган шаҳар ҳокимининг муовини, шаҳарда чиқадиган ўзбекча кўп нусхали «Ўзганнома» газетасининг муҳаррири Авазбек Турсунбоевнинг гувоҳлик беришича, XII асрнинг ёдгорлиги — Қилич Бурҳоним мақбарасини соҳибқирон қурган ва уни таъмирлашни буюриб, унга хазинадан махсус маблағ ажратган.

Ўзган Хитой билан Осиёнинг кўплаб шаҳарларини бир-бирига боғловчи Буюк ипак йўлининг бошланғич жойи сифатида тарихга кирган. Асли Ўзкент номи билан аталган бу кўҳна шаҳар XI асрнинг охирларига келиб Ўзган номини олган. Бу дегани «ўрталикдаги жой, шаҳар» маъносини беради. X-XI асрларга келиб шаҳар Мавороунаҳрнинг энг обод ва гўзал жойига айланди. Бу ердаги бир неча қад кўтарган минора, мақбара, масжид, мадраса ва ҳаммомлар ўша даврнинг ёдгорликларидир.

1187 йилда қурилганлигини исботловчи ёзувли «Жанубий Мақбара» ичида Қорахаққоний ўғли Туғрул Ҳаққон Наср ибн Хусайн дафн этилибди. Амир Темур ушбу мақбаралар таъмирини ўзи бошлатган ва шахсан ўзи раҳбарлик қилганлиги тўғрисида ривоятлар бор, дейди Авазбек.

Ушнинг Моди қишлоғида мавжланиб турган (Қорасув туманида) «Темур ҳавузи» бобомиз томонидан шахсан қурилган бўлиб, бунинг тарихи XIV асрнинг якунига бориб тақалади. Ҳовуз асосан отлиқларнинг сувдан фойдаланишлари учун махсус қурилган, деб айтишади.

Мана, биз жаннат макон Олабуқанинг Гулистон қишлоғидамиз. Бу ерни «Сафед Булон» ҳам, деб аташади. Қишлоқ ҳудудида жойлашган «Шоҳ Фозил» мақбараси тарихимизнинг узоқ онларидан сўзлаб турибди. Жаҳон аҳамиятига молик бўлган бу мақбара X аср охирларида қурилган бўлиб, бутун меъморчилик санъатининг намуналари уйғунлигида безатилган. XVII аср охирларида қурилган «Бу Булон» ва «Каллахона» деб аталувчи мақбара. XI-XV асрларга доир қабртош битиклари ҳамда XIX аср охиларида қурилган масжид биноси ансамблари халқимиз маданиятининг муътабарлиги ва гўзаллигини кўз-кўзламоқда.

«Ривоят қилишларича, — дейди 75 ёшлик отахон Юсуфжон ота, — бу ерга Амир Темур икки марта келган. Мақбараларни кўриб, нураш ҳолига келиб қолган баъзи йўлдош бинолари ва мақбара безакларини янгилаш ҳамда жаҳон андозасидан ҳам яхшироқ қилиб жиҳозлашни буюриб, 1700 сум-тилла қолдириб кетган.

Фарғона водийси бўйлаб қилинган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси тадқиқотлари давомида Косонсойдаги VII асрда қалъа тарзида барпо этилган «Муғ қалъа» тарихи билан қизиқдик, Кушонийлар империясининг хукмронлигидаги маълумотларни олиш асносида, бу ердан Ҳужанд томон юриш қилган Амир Темурнинг ўтганликлари ва Аълохон Махсум мадрасасини зиёрат қилганликлари ҳақида маълумотга эга бўлдик.

Чустдаги «Биби Она» мозори ва у ердан чиқаётган сирли булоқ тарихи, Ахсикент ва у ерда Умар Шайх ибн Абу Саид Мирзо яшаган тепалик қалъа тарихи билан танишдик. Бу ерлардан бобомиз Амир Темур ўтганликлари, бутун Фарғона водийсини маълум муддат шу ердан кузатганликлари тўғрисидаги ривоятларни эшитдик ва рақам этдик.

Марғилоннинг чеккасига жойлашган Сурхтепа қишлоғида «Ҳўжа Маоз» мозори бор. Буни ерли кишилар «Ҳўжа Мағиз» дейишади. Биз Охунбобоев тумани ҳокими Муҳиддинжон Аҳмад ўғли бошчилигида шу ерга келдик. VII асрда қад кўтарган мазкур ҳазрат мозорини 1392 йилда соҳибқирон келиб кўрганлар ва бу ерни таъмирлаш учун махсус маблағ ажратганликлари ҳақидаги ривоятни эслатадилар. Бир сўз билан айтганда, бобомиз борган жойлар ва тарихий обидалар таъмири ҳамда тикланишига саховат кўрсатган жуда кўплаб иншоот ҳамда архитектура ёдгорликлари руҳи камтарин ва меҳнаткаш, қалби яхшилик билан тепиб турган ўзбекнинг қаддини яна бир ростлаб юришидан далолат бериб турибди.

Гапирсак гап кўп. Бобомизнинг қилган саховатлари, миллий маданият ёдгорликларини тиклаш ва қайта таъмирлаш, қолаверса янгитдан архитектура обидалари қуришдаги буюк хизматларини тарихийлик негизида халқимизга етказиб қўйишни ўзимизнинг фуқаролик бурчимиз, деб билдик.

Бу бурч бизни фақат эзгуликка етаклашига шак — шубҳа йўқ.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
«Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедициясининг Фарғона водийси бўйича раҳбари, филология фанлари номзоди.

Олий суд ҳукмидан кейинги ўйлар

ОШНАНГ ОЛАҚАРҒА БЎЛСА...

Яқинда барча оммавий ахборот воситаларида Узбекистон Республикаси Олий Судининг судьяси А. Қодиров раислигида, судьялар Ж. Субхонқулов ва А. Дустбобоевдан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Бош прокурорининг катта ёрдамчиси О. Матхолиқов, ҳимоячилар Ш. Рашидова, М. Шамсиева, М. Тойжонова, М. Суярова, М. Бузрукова, Р. Шайхутдиновалар иштирокида Узбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини зўрлик билан агдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда иштирок этишда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан жиноят иши кўрилиб, ҳукм эълон қилинганлиги ҳақида хабар берилди.

1993 йилнинг июнь ойи ўрталарида муҳожирликда юрган «мухолиф» С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) Ашгабад шаҳрида вақтинча яшаб турган Мурод Жўраевга қўнғироқ қилиб, унга Қашқадарё вилоятида яшайдиган, ҳарбий хизматни ўтаб келган, ўйланмаган 21-25 ёшлардаги йигитларни саралаб Туркияга юборишни топширади. Бу йигитлар Узбекистонга қайтганларидан кейин улардан шахсий соқчилар ҳамда жангарилар сифатида фойдаланиш мумкинлигини уқтиради.

Шунга кўра, мубораклик Мурод Жўраев бу қалтис ишга ўзининг ҳамқишлоқлари ва яқин танишлари бўлган Неъмат Аҳмедов, Шавкат Холбоев, Ҳошим Сувонов, Шавкат Маматов ва бошқаларни жалб этган. Унинг раҳбарлигида юқорида номлари қайд этилган шахсларнинг фаол ёрдамлари билан Қашқадарё вилоятида истиқомат қилган 46 нафар ёш йигитлар танлаб олиниб, улардан 21 таси олдиндан қалбакилаштирилган ҳужжатлар асосида Туркияга ўтказиб юборилган. Салай Мадаминов Мурод Жўраев орқали бу йигитларга зарур бўлган маблағларни — йўл кира, яшаш, овқатланиш ва умумфуқаролик чет эл паспортларини олиш учун сарф бўладиган харажатларни тулаган.

Ёш йигитларни танлаб, уларга ҳужжат тўғрилаш ва уларни чегарадан ўтказиб юборишда Шавкат Холбоев билан Неъмат Аҳмедов асосий ижрочи бўлишган. Жумладан, Ш. Холбоев ўзининг таниши Б. Қораев ёрдамида иш жойлари, ташкилот раҳбари имзоси ва муҳри ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган сайёҳлар суров варақаси асосида 19 та умумфуқаролик чет эл паспортларини олишликни ташкил қилган. Бунинг учун у Мурод Жўраевдан олган 3 миллион 400 минг сум пулдан 200 минг сумини Қораевга хизмат ҳақи сифатида тулаган. Суд жараёнида хорижга юбориш учун танлаб олинган йигитларнинг шахслари тўлиқ аниқланди ва уларнинг аксарияти гувоҳ сифатида қатнашди. Дастлаб Узбекистондан Туркияга ноқонуний йўл билан 13 киши чиқиб кетган. Кейин 1994 йилнинг 8 февраль куни Неъмат Аҳмедов олти кишилик гуруҳга раҳбарлик қилиб Ботуми шаҳрига борган ва Грузия фуқароси Сулико Заидзега Мурод Жўраевдан олинган 635 АҚШ долларини бериш эвазига гуруҳни 9 февраль куни Туркия чегарасидан ўтказиб юборган. Яна икки киши чегарадан март ойида ўтган.

Ғайри конституциявий уюшманинг бошқа фаол иштирокчилари, хусусан, Дилором Иҳоқова, Муҳаммад Бекжонов, Юсуф Рузимуродовларга уюшма учун сўм ва чет эл валюталарида пул маблағлари йиғиш вазифалари юклатилган. Уларнинг фаол ҳаракатлари натижасида 1993 йилнинг июнидан 1994 йилнинг январигача 13200 АҚШ доллари ва 20 миллион 150 минг сўмдан ортиқ маблағ йиғилган. Бу пулнинг асосий қисми С. Мадаминовнинг кўрсатмаси билан Жаҳонгир Маматовга юборилган. У эса чет эл валютасини йигитларни танлаш ва яширинча Туркияга юбориш учун ишлатган.

Туркиядан қайтиб келган ва суд мажлисида гувоҳлар тариқасида суроқ қилинган ўндан ортиқ йигитлар Туркияга бизнесменликка Шавкат Холбоев ва Ҳошим Сувоновлар томонидан таклиф этилганликларини, улардан бир неча марта ҳар хил миқдорда пул маблағлари олганликларини, ўзлари бир сўм ҳам сарфламаганликларини, Туркияга боргач Муҳаммад Солиҳ, Жаҳонгир Маматов, Номоз Нормўмин, Юсуф Рузимуродов ва бошқалар бошчилигида каратэ, дзюдо, самбо, яккама-якка кураш, ҳарбий қисмга бориб ўқ отиш, портловчи қуроллардан фойдаланиш усулларини ўрганганликларини, Туркияда 1994 йилнинг февраль ойларидан бошлаб ўқишлари 7-8 ой давом этганлигини, ноябрь ойида уруш усулларини ўрганиш мақсадида Чечнистон Республикасининг Грозний шаҳрига жўнатилганликларини, Грознийда уларни Юсуф Рузимуродов кутиб олганлигини, бир ярим ойдан кейин 3-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб Рузимуродов белгилаган жойларга юборилганликларини, ўйларига қайтиш маън этилганлигини, ўйларига қайтмоқчи бўлганларида Рузимуродов уларни «Узбекистонга 10 мингдан ортиқ одамимиз ташланган, сизларга ёки оила аъзоларингизга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин, барибир ўйларингизга етиб боролмайсизлар» деб қўрқитганлигини, улар Рузимуродов белгилаган жойларда унинг сигналини кутиб, бериладиган топшириқларни бажаришга шай бўлиб туришга мажбур бўлганликларини, Узбекистонда бўладиган сайловларда «Эрк» партияси аъзоларига қаршилик кўрсатиладиган тақдирда керакли раҳбар ходимларни ёки уларнинг оила аъзоларини гаровга олишлари зарурлигини, Туркияда тижорат ишига мутлақо ўргатилмаганликларини, умуман алданиб қолганликларини, лекин чет эл умумфуқаролик паспортлари ўзларида бўлмаганлиги ва бунинг устига пуллари ҳам йўқлиги сабабли иложсиз қолганликларини, уйга қайтамиз деб бир неча бор С. Мадаминовга қилган мурожаатлари жавобсиз қолганлигини эътироф этишди.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳар қандай кишида ноҳуш кайфият туғдиради. Ўзини ўта зиёли санаб, доим демократия ва инсонпарварлик хусусида сафсата сотиб келган «арбоб» ўзининг ғаразли ниятига эришиш мақсадида ўз Ватани ва ўз халқига нисбатан шу даражада тубанлик, душманлик қилиши ҳечам ақлга сиғмайди. Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма, деганлари шу-да. Афсус, курашнинг қабиҳ йўли танланибди. Россиянинг оммавий ахборот воситаларидан С. Мадаминовнинг Чечнистон вице президенти З. Яндарбиев билан алоқаси борлиги ҳақидаги хабарни эшитган эдик. Лекин бу алоқа жангарилар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш даражасида бўлиши мумкинлигига ишонмаган эдик.

(Давоми 4-бетда).

Эл осойишталиги йўлида

«ЎЗИМИЗНИНГ ЙИГИТЛАР»

Ярим тун. Кун узоғи шовқин суронда, югур-югурдан ҳориган шаҳар сокин тин олмоқда. Кўча-кўйда қатнов камайган. Ҳаммаёқ неон чироқларининг чароғон нуридан ёришиб турибди.

Ҳа, шаҳар тинч ва осойишта дам олмоқда. Бироқ, тунларимизнинг шундай хотиржам, фараҳбахш ўтиши учун ўз тинчидан, ўз оромидан кечиб, сергакликни қўлдан бермай хизмат бурчларини ўтаётган фидойи фарзандларимизнинг ҳиссаси беқиёс, албатта.

Тошкент шаҳридаги патруль-пост хизмати жамоаси зиммасида худди шундай улуғвор вазифа борлигидан мамнундирлар.

— Хизматчиларимиз, — дейди ППХ бошлиғи, милиция майори Илҳом Дадахонов, — ҳар томонлама чиниққан, соғлом дунё қарашли йигитлардир. Улар зиммасидаги масъулиятни аъло даражада ҳис этишади.

ППХ бошлиғининг сўзларида жон бор. Зеро, патруль-пост хизмати ходимларининг ёрдамида Тошкент шаҳрида кўплаб жиноий ишлар очилди. Шу ўринда баъзи бир ибратли мисолларга мурожаат этиб ўтсак фойдадан холи бўлмасди.

Яқинда кечки пайт милиционерлар Ж. Режаметов ва Н. Жумабоев томонидан Шайхонтоҳур туманида қўй ўғирлаб кетаётган М. исмли кимса қўлга олинди.

Яна бир мисол, Яккасарой савдо маркази ёнида, милиция катта сержантлари А. Раджапов, А. Усановлар «Ниссан» маркали автомашинани олиб қочиб кетиш пайига тушган В. исмли «учар»ни тутиб олишди.

Ҳа, патруль-пост хизматчиларининг бундай ибратли ишларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улар шунчаки «хўжакўрсин»га меҳнат қилишмади. Халқ осойишталигини таъминлаш бугунги ўтиш даврининг энг муҳим вазифаси эканлигини чуқур ҳис этишади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, осойишталик посбонларининг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб турибди. Алоҳида намуна кўрсатган, илғор ходимларга раҳбарият томонидан турли рағбатлантирувчи ёрлиқлар, мукофотлар бериб борилмоқда.

Шовқиддин САМИЕВ,
милиция лейтенанти.

Тошкент қурилиш коллежида турли мавзуларда баҳс-мунозаралар, талабалар билан муаллимлар ўртасида бевосита мулоқотлар, қурик-танловлар ўтказиш анъана тусини олган. Куни кеча талабалар ўртасида бўлиб ўтган «Ўткир зеҳнлилар» қурик-танлови фикримизнинг ёркин тасдиғидир. Мазкур тадбирнинг бош мавзуи жонажон Ўзбекистонимизнинг давлат герби, унинг гимни, байроғи каби муҳим масалаларга қаратилди. Шу боисдан ҳам бу қурик-танлов қизиқарли ўтди. Коллежнинг барча гуруҳлари унда фаол иштирок этдилар.

СУРАТДА: коллежда бўлиб ўтган ана шу тадбирдан бир кўриниш.
Суратқаш Муҳаммад АМИН.

(Боши 3-бетда).

Шу ўринда инкор этиб бўлмайдиган бир мунофиқликни эслатиб ўтмоқчимиз. «Эрк» газетасининг 1992 йил декабрь ойида чиққан 40-сонида Муҳаммад Солиҳнинг «Ҳаётга реал қараймиз» деган сарлавҳада суҳбати босилган. Муҳбир унга шундай савол беради: «Мақсад воситани оқлайди, деган ақидага қандай қарайсиз?» У жавоб бериб дейди: «Бу ақидадан кейинги етмиш йил ичида коммунистлар фойдаланди. Мен бу ақидани бутун вужудим билан қабул қилолмайман». Айтингчи, жаноб, конституциявий тузумга ва қонуний ҳукуматга қарши курашиш учун бирлашишга ошкора даъват этувчи мақолалар босилаётган газетани яширин равишда босиб чиқариш ва маҳфий тарзда тарқатиш, бунинг учун алдов йўли билан одамларни ёллаш — бу ленинчи «Искра»дан мерос бўлиб қолган, ёш ишчи деҳкон йигитларни ўқишга юбориш баҳонасида шахсий соқчилар ва жангарилар қилиб тайёрлаш — бу ленинча «қизил қўнгиллилар» бўлинмаларида шаклланган ақида эмасми?! Шунингдек, сизнинг маблағ йиғиш, уни қайси йўналишлар бўйича қандай қилиб сарфлаш, ноқонуний сиёсий уюшма фаолиятини йўналтириб туриш ва ниҳоят мақсадга эришиш йўлида танлаган кураш усулингиз большевиклар қўллаган ақидадан нимаси билан фарқ қилади?!

С. Мадаминов бир пайтлар уч-тўрт кишининг қони тўкилган тақдирда ҳам мақсадга эришиш учун кураш йўлидан қайтмаймиз, деган эди. Танланган ана шу кураш учқуни 1993 йилда ва айниқса 1994 йил бошида хавфли тарзда аланга ола бошлаганлигидан унинг яқин кишилари ва айниқса қариндош уруғлари жиддий ташвишга тушиб қолишди. Унинг укаларидан бири — Мақсуд Бекжон ёш йигитлар махсус тайёргарликдан ўтиш учун Туркияга юборилаётганлигидан хабар топган бўлса керак, дарҳол акасини инсофга чақириб хат йўллади. Мақсуд Бекжоннинг 1994 йил 15 апрель куни акаси С. Мадаминовга йўллаган очиқ хати 19 апрель куни «Хоразм ҳақиқати» газетасида босилиб чиқди. Қуйида ўша хатнинг бир булагини таҳрирсиз айнан берамиз:

«Бугунги кунда Ўзбекистон учун энг муҳим бўлган нарсадан бири, фикримча миллий ҳамжиҳатликдир. Токи миллат бир бутун, яхлит бўлмас экан, ҳеч қандай олийжаноб ишни амалга ошириб бўлмайди. Сиз, эсингизда бўлса, бундан бир неча йил илгари, ҳали Иттифоқ мавжуд бўлган пайтда: «Биз учун энг муҳими бугунги кунда миллий бирлик ва миллий озодлик» деган эдингиз. Сиз ўшанда Россиянинг Урта Осиёдаги колониалистик ролини назарда тутган эдингиз. Хўш, бугун вазият ўзгардими? Тўғри, биз мустақиллик эълон қилдик, биз ўз қонунларимизга, Конституциямизга эга бўлдик. Фуқаролик тартибларини жорий этдик. Аммо хавф ҳали ҳам мавжуд. Баъзи бир буюк давлатлар иқтисодий пайлари билан ҳар қандай мустақил давлатни яна қарамлик ҳолатига олиб келиш учун ҳозир туриптилар. Шундай шароитда жумҳурият ичидаги қарама қаршиликлар халқ учун ҳалокатли эмасми? Ахир миллат манфаатлари ҳамма нарсадан устун турмайдими?»

* * *

...Олий суд ҳукмини эълон қилди. Судда ҳозир хорижда яшаётган Салай Мадаминов жиноятларнинг ташкилотчиси дейилди. Жиноят иштирокчилари бўлган Мурод Жўраев 12 йил муддатга, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедовлар 10 йилдан муддатга, Ҳошим Сувонов 6 йил муддатга, Шавкат Маматов 5 йил муддатга, Дилором Исҳоқова шартли равишда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Аслида Мурод Жўраевни адашганлардан деб бўлмайди. Олий маълумотли, мулоҳаза мушоҳадаси кенг, Ўзбекистон халқ депутати, Муборак шаҳар ижроқўмининг раиси бўлган. У ўзи бош қўшган сиёсий найрангнинг моҳиятини тушунади. Вақтида бойваччалик гаштини суриб кўрган, мабодо унинг раҳнамоси ҳокимият тепасига келгудек бўлса қандай лавозимга даъвогарлик қилиш мумкинлигини кўп бора ўйлагани аниқ. Шу сабаб, ёш, соддадил, ишонувчан юртдошларини кўра-била туриб йўлдан оздирган, қурбон қилмоқчи бўлган.

Ёши бир жойга бориб қолган Эркин Ашуров фарзандлари тенги йигитлар сафида сиёсий кураш майдонида «чиниқиб», вилоят миқёсида парвоз қилган қанотларининг қудратини мамлакат миқёсидаги парвозда ҳам синаб кўрмоқчи бўлди. Бир неча йил Самарқанддаги машҳур чой қадоқлаш фабрикасида директорлик қилган, Самарқанд вилоят ишбилармонлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган бу кимса ғайриқонуний ишга қўл ураётганини тушунмаган деб ким айта олади?

Шавкат Холбоев — Мурод Жўраевнинг укаси. У акасининг топшириғи билан Косон ва Китоб шаҳарларида Туркияга юбориш учун йигитларни танлади, уларга қалбаки ҳужжатлар тўғрилаш учун елиб югурди, Шавкат Маматовнинг уйида Туркияга жунайдиган 13 та йигитга ўн минг сўмдан аванс берди. Бундан ташқари Мурод Жўраев ва Дилором Исҳоқовадан олинган катта миқдордаги пулларни танлаб олинган «кўнгиллилар»га сахийлик билан тарқатди. Жўраев уни фақат сўм билан эмас, балки доллар ва манат билан ҳам таъминлаб турди. «Вербовкачи» Холбоевдан Фаҳриддин Қиличев бир сафар 150 минг сўм, бир сафар 600 минг сўм пул олди. Ашгабадга борганида 16 йигитга 50 манатдан тарқатди. Хуллас, унинг топшириқни бажариш йўлида қўйган ҳар бир қадами пул билан ўлчанадиган бўлди.

Неъмат Аҳмедов — Жўраевнинг тузоғига илинганлардан бири. 1993 йил июль ойида Жўраев уни Ашгабадга қўшма корхона очишга таклиф этган ва унга аванс тариқасида 50 минг сўм берган. Тузоққа тушганидан кейин унга аванс берадиганлар кўпайиб кетган. Жумладан, Дилором Исҳоқовадан бир миллион сўм, Шавкат Холбоевдан бир миллион 400 минг сўм, Юсуф Рўзимуродовдан 3200 АҚШ доллари, Мурод Жўраевдан 1200 манат ва 400 АҚШ доллари олган. Бу пуллар бўлажак шахсий соқчиларни Туркияга юбориш учун ишлатилган. Унга Ботумидаги ошнаси Сулико Заидзе асқотади. Бир сафар Заидзе унинг ўзига ҳам 105 АҚШ доллари эвазига сафар визаси тўғрилаб беради. Неъмат Аҳмедов Истамбул шаҳрига бориб «Ҳидоя» меҳмонхонасига жойлашади. Уни Жаҳонгир Маматов кутиб олади. Эртасига Муҳаммад Солиҳ ва Юсуф Рўзимуродов билан учрашади. Орадан атиги уч кун ўтиб Рўзимуродов билан самолётда, қутилардаги сирли юкларда Ашгабадга қайтишади. Бу ерда уларни Мурод Жўраев кутиб олади.

Очиғини айтиш керак, Дилором Исҳоқова ҳам алдангандардан ёки адашганлардан эмас. Қаранг, аёл боши билан мана мен деган фитначи эркакларга бош-қош бўлди. Маблағ тўплаш ва уни тақсимлаш учун асосий жонли манба бўлиб хизмат қилди. Бир пайтлар «олдин — мустақиллик, кейин — демократия» деган ғояга қасам ичган бу аёл бугун «олдин — демократия, кейин — мустақиллик» деган шиор учун курашяпти. Ўзбекистон ҳақида қандай салбий маълумот бўлса, ҳозиржавоблик билан хорижга етказади. Хорижнинг оммавий ахборот воситалари ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга сабр қаноат билан чидаб, фарзандлари тарбиясида фидойилик кўрсатаётган минглаб, миллионлаб ўзбек аёллари ҳақида эмас, аксинча «жабрланган» Дилором Исҳоқова ҳақида кўпроқ ёзишади. Ваҳоланки, бу «миллионер» аёл кўп нарсага қодир. Унинг эътироф этишича, С. Мадаминов чет элга кетишидан олдин, яъни 1993 йил апрель ойида Дилоромнинг ўзига ва партиянинг бошқа фаолларига тўлаш учун етти миллион сўм қолдирган, орадан бир неча кун ўтиб С. Мадаминовнинг хотини С. Березняцкая унга сақлаш учун 13 минг АҚШ доллари берган, орадан яна бир оз вақт ўтиб, унинг уйига тўқ кўк рангли «Жигули» автомашинасида Ориф Озол деган озарбайжон йигити келиб, мана бу машинани Муҳаммад Солиҳ менга 7 миллион сўмга сотди, ҳозирча беш миллионини олинг, икки миллионини сўнг келтириб бераман, — дейди. Дилором Исҳоқова кейинчалик бу пулларнинг асосий қисмини Муҳаммад Бекжонов, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедов ва фитнанинг бошқа аъзоларига асл кўзда тутилган мақсадларга ишлатиш учун беради. Дилором Исҳоқовага инсонпарварлик нуқтаи назаридан мурувват кўрсатилди. Унга тайинланган 6 йиллик жазо шартликка алмаштирилиб, уч йил синов муддати белгиланди. Демак, унга ўйлаб кўриш учун имкон берилди.

Ошнанг олақарға бўлса, емишинг гўнг бўлар, дейишади. Ғайри конституциявий уюшган жиноий гуруҳ ташкилотчиси маккорларча хизмат қилиб, олган садақаси эвазига шаҳарма-шаҳар, давлатма-давлат кезиб юрган бир пайтда унга ошно бўлиб, унинг топшириғини бажарганлар алданиб, бармоқ тишлаб қолишди. Муҳаммад Солиҳ хорижнинг оммавий ахборот воситаларига интервью берар экан, Олий суд ҳукмига муносабат билдириб: «М. Жўраев 17 кишини Туркияга юборганини тан олган эмиш. Шу жиноятми?»деб савол беради. «Биз фақат 17 кишини эмас, юзларча аъзоларимизни ҳар қаерларга юборишга мажбур бўлдик ва юборяпмиз ҳам». Ана сизга очиқ эътироф! Бу қора товуқ сомон сочар, ўз кетини ўзи очар дегандай гап. У суҳбати охирида «...мен ишонаманки, ҳақиқий референдум ҳали олдинда ва биз 2000 йилгача кутмаймиз» дея кимларнидир курашга чорлайди.

Бироқ тинч, барқарор, ҳамжиҳат бўлиб ҳаёт кечираётган узбек халқи ва ўзбекистонликлар бундай курашни рад этади. Ёш давлатимизда халқ орасида қилча низо бўлишига йўл қўйилмаётган экан, бундан фақат фахрланиш керак. Ўзбекистондаги ҳозирги сиёсий вазиятга ён қўшниларимиз, узоқ-яқиндаги дўстларимиз ва биродарларимиз ҳавас қилишаётган экан, бундан нега фахрланмаслигимиз керак.

Мусофир юртда подшо бўлгунча, ўз юртингда гадо бўлганинг яхши, деган нақл бор. Камбағаллик эмас, курнамаклик айб. Ўзганинг садақа ўрнида берган тотли тортидан ўзимизнинг ёвғон гўжа афзал. Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий қийинчилик вақтинчалик эканлигига ҳамма ишонади. Биз иқтисодий мустақиллик йўлидан дадил одимлаб, ислоҳотнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйдик. Кўзланган марра яқин.

Муҳолифат деб аталмиш маккор сиёсат қурбонлари давлатга қарши курашни давом эттириш билан бирга, Ўзбекистон раҳбарияти яхши ният билан қўйган ҳар бир сиёсий қадамни ғараз билан қарши оляпти. Жумладан, улар яқинда тожик муҳолифати раҳбарларининг Тошкентда бўлиб, Президентимиз билан учрашганлигини ҳам аламзадалик билан шарҳлашди. Уларнинг назарида гўё Ўзбекистонда ҳамма ишлар ёмон, умуман бу ерда яхши нарсанинг ўзи йўқ. Бу шунчаки аламзадалик эмас. Улар Ўзбекистоннинг халқаро обруси кун сайин ошиб бораётганлигидан баттар талвасага тушиб қолишяпти. Бундай аламзадаликни ҳеч кимга раво кўрмаймиз. Ғаразли мақсад яширинган аламзадалик охир оқибат хоинликка олиб келиши тайин. Шундай бўлди ҳам.

Эсон ҚУРБОНОВ.

ОШНАНГ ОЛАҚАРҒА БЎЛСА...

25-устун

Янгилик

ДОРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ғиждувондаги «Орзу» ишлаб чиқариш фирмаси таклифи билан дори-дармон тайёрлаш борасида хайрли ишга қўл урилди. Зарур ускуналар маҳсулот айрибошлаш эвазига Украина ва Россиядан келтирилди. Ҳозир фаолият кўрсата бошлаган цехда новокаин, анальгин, глюкоза сингари саккиз хил дори тайёрланмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, дорилар четдан келтирилаётганига нисбатан етти баробар арзон тушаётир.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

Мана шунақа гаплар

УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРЛАРИ

Болгариянинг шимолидаги Росиц шаҳрида истиқомат қилувчи Димитр Тодоров 106 ёшда. У куч-қувватга ва ғайратга тўла, саломатлигидан шикоят қилмайди ва уйдаги қурби етадиган ишларни бажаради.

Димитр меҳнат қилишни 13 ёшидан соҳибкор отасига қўмаклашишдан бошлаган. Тонг саҳарда туришга (эрталаб соат 5да) одатланган. Кундузи эса баъзан ухламай бир соат ҳордиқ чиқарган. Димитр бутун умри мобайнида мутлақо оддий овқатларни, айниқса, қатиқ маҳсулотларини — қўй сутидан тайёрланган сир, сузма истеъмол қилишга ҳаракат қилган. Кунига 1 стакандан кўп булмаган қуввати кучсиз мусаллас ичган. Ҳеч қачон дори-дармонлардан фойдаланмаган. Тоби қочган пайтларда (тумов бўлганида, иситмаси чиқанида, заҳарланиш содир бўлганида) уй шароитидаги воситалар билан даволанган. Ҳеч вақт чекмаган. Ва ниҳоят кўнгилсизлик ҳолларида, агар сабаби арзимас бўлса, қаттиқ асабийлашмаган, деб ёзади Олмониянинг «Фюрдих» журнали.

ОЛТИ ОЁҚЛИ БУЗОҚ

Усть-Ухта қишлоғидаги давлат хўжалик фирмасида 6 оёқли бузоқ туғилди. Ферма мудири Владимир Николаев бунинг сабаби буқа ва сигирларнинг патологик яқинлиги деб ҳисоблайди. «Сосногорский» давлат хўжалигида янги буқаларни сотиб олишга маблағ етишмайди. Бундай ҳолнинг содир бўлишига яна емларга кимёвий қўшимчалар қўшилиши ва экологик муаммолар ҳам сабаб бўлаётир. Сосногорск ва Ухта билан ёнма-ён нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари жойлашган бўлиб, улар атроф-муҳитга кўп миқдорда заҳарли моддаларни чиқармоқда.

ЕАН.
Коми Республикаси.

Келинг, бир кулишайлик

— Нима учун Оллоҳ дастлаб эркакни, кейин эса аёлни яратган?

— Сабаби равшан. Аёл эркакни яратаётганда унга маслаҳатлар билан халақит бермаслиги учун-да.

ТАЛАБАЛАР КОПТОК СУРИШДИ

Куни кеча пойтахтнинг «Старт» спорт мажмуи майдонида Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси ташаббуси билан мини-футбол бўйича финал беллашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамда Тошкент электротехника алоқа жамоалари қатнашдилар. Ғоят қизиқарли ўтган мусобақада жисмоний тарбия институти жамоаси ғолиб бўлди. (Команда мураббийси Олим Қурбонов. Футбол жамоаси таркиби: Дониёр Султонов, Николай Ширшов, Дмитрий Ширшов, Акмал Ҳошимов, Анатолий Матвеев, Мурод Шарипов, Олег Толибжонов, Жамшид Толибжонов, Ҳасан Дуйсебоев, Андрей Акопянц, Фарҳод Мавлонов, Атҳам Қучқоров, Жаҳонгир Ўролбоев)

— Пойтахтдаги 24 та ўқув даргоҳи иштирок этган футбол беллашуви Улуғ Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланди, — дейди Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитасининг биринчи котиби Равшан Абдуқодиров.

Ҳомийлар — республика талабалар жамғармаси ва «Оникс» фирмаси.

Ғолиб жамоа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

СУРАТЛАРДА: ғолибларни тақдирлаш; мусобақадан лавҳа; ғолиб жамоа.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.

Газета саҳифаланаётганда:

ДИЛОРА СОВРИНДОР БЎЛДИ

Куни кеча Қарши шаҳрида вилоят ёш ҳамираларининг қўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда туманларда ғолиб деб топилган ҳамираралар куч синашдилар.

Қўрик-танлов ҳайъатининг хулосаси билан вилоят кўз касалликлари шифохонасининг ҳамираси Дилора Пирматова ғолиб деб топилди ва республикада ўтказиладиган «Ҳамшира-95» қўрик-танловида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Турсуной Тўрақулова, Тозагул Сафарова ва Юлдуз Жалилова каби ҳамираралар ҳам беллашувда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Беллашув ғолиблари вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

А. САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон» мухбири.

Келгуси сонда:

- Қадриятнинг бир бўлаги.
- Китоблар мозийдан сўйлайди.

«Туркистон» газетасининг 70 йиллигига

ЖОНИБЕКОВ ИЗИДАН

Ҳар сафар «Ёш ленинчи» газетасида ишлаган йилларимни эсласам, ёҳуд ҳозирги «Туркистон» газетасида ишлайдиган ҳамкасбларимни кўриб қолсам кўнглимга бир илиқлик югуради. Ҳозир ўзининг шонли 70 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган газетанинг ўша йиллардаги жўшқин фаолиятига мен ҳам озгина бўлса-да ҳисса қўша олганлигимдан фахрланиб юраман.

Дарвоқе, ўшанда 1977 йилнинг баҳори эди. «Гулхан» журналида ишлардим. Бир куни журнал бош муҳаррири Қозоқбоев ҳузурига Рустам Шоғуломов кириб келди. Чой дамлаб кирмоқчи эдим, кимдир мени тўхтатди: «Сен кирмагин, Рустам ака сени сўраб келибди». Сал ўтмай ҳамма нарса ойдинлашди...

Хуллас ўша йилнинг 3 май кунидан «Ёш ленинчи» газетасининг Адабиёт ва санъат бўлимига ишга ўтдим. Журналист дўстларим қатори ўзимни ҳар жабҳага уриб, мақола ва очерклар ёза бошладим. Бу жараён ҳозир мен айтганчалик жуда осонлик билан бўлгани йўқ, албатта. Табиийки, касбдошларим орасида журналистиканинг талх нонини эндигина тота бошлаган ва бу соҳада ҳали ғўрроқ эдим. Шу ўринда мендан маслаҳат ва ёрдамларини аямаган, менга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзган Муқаддас опа, Маҳкам Раҳмон, марҳум устозларим Муҳаммаджон Қўшоқов, Мирзакарим Пирматов (Илоҳи, оҳиратлари обод бўлсин), қолаверса, Аҳмаджон Мелибоев, Жаббор Раззоқов, Сафар Остонов ва бошқа ҳамкасб дўстларимдан умрбод миннатдор эканлигимни таъкидлагим келади.

Келинг, яхшиси 1978 йилнинг январида ёзилган бир мақола хусусида гаплашайлик. Бу мақола менинг ҳаётимда ибрат мактаби бўлганини, хусусан мени пишиқпухта бўлишга ўргатгани учунгина эслайман.

...Чамаси, 10 январь куни эди. Ўша куни газетанинг чиқишига масъулман. Редакцияда ҳеч ким йўқ. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган. Бир пайт газета бош муҳаррир пайдо бўлдилар. Мен билан саломлашдилару, Рустам ака ўз хоналарига йўналдилар. Кўп ўтмай яна мен ўтирган хонага кирдилар. У киши бироз ўйланиб, менга разм солдилар:

Сен эрталаб Бўстонлиқ туманига бориб келасан. Искандар посёлкасига. Владимир Жонибековнинг танишларини топиб, суҳбатлашасан. У ҳамюртимиз экан. Эплай оласанми?

— Қотирамиз, — дедим.

— Шундай бўлсин!

Рустам акани кузатдиму ўзўзидан бўлажак мақоланинг шаклу шамойили пайдо бўла бошлади. Хуллас, уйқу қочди. Саҳарлаб йўлга отландим.

Тўғри, мен ёлғиз эмасдим. Телеоператорлар, радио мухбирлари, баъзи ўрис газеталарининг мухбирлари Искандар посёлкасида отлиқма-яёв изғиб юришарди. Аввало, хонадонма-хонадон юриб, Владимир Жонибековнинг танишларини сўраб чиқдик. Ҳамма бу ташрифдан ҳайрон, ҳеч ким тайинли гап айтолмайди.

Журналист тоифаси ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширолмаса, ўртоқлари олдида уятга қолишини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам бу халқ ўта чидамли ва ўта ўжар бўлади. Аммо, афсус, бундан бирор натижа чиқмади. Кечга томон қор ёға бошлади. Ҳамманинг тарвузи қўлтиғидан тушди...

Эрталаб шалвираб таҳририятга кириб келдим. Топшириқ бажарилмади. Бош муҳаррирга нима дейман?!

Иттифоқо спорт бўлимининг мудири Сафар Остонов жонимга оро кирди.

— Искандарга бордингизми? Хўш, нима гап?!

Мен бор гапни айтдим. Сафар айёрона кўз қисди:

— Владимир Жонибеков Тошкентдаги Суворов номли билим юртида ўқиган. Ўша пайтда Владимирга Галина Михайловна Радионова географиядан дарс берган экан. У ҳозир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Маяковский номли 97-ўрта мактабда ишларкан. Хоҳласангиз, бориб келишингиз мумкин.

Мен Сафарни қучоқлаб олдим. Ундан йўл кўрсаткич олиб, яна йўлга отландим.

Мен мактабни топиб, директор ҳузурига кирдим. Унга мақсадимни айтиб турган эдим, хонага Галина Радионовани қўлтиқлаб олган Сафар Остонов кириб келди. Мен ҳайратланиб, унга тикилдим. Сафар яна жилмайиб, кўз қисиб қўйди.

Кейин билсам, мен мактабга троллейбусда (ахир кечаги саёҳат туфайли чўнтагим хуштак чалаётган эди-да) Сафар эса таксида келган экан.

Хуллас, Галина Михайловна Радионова билан суҳбатимиз қовушиб кетди. Биз Галина опадан Жонибеков ҳақида, унинг ёшликдаги одатлари, қизиқишлари, дўст-биродарлари, оиласи ҳақида батафсил сўраб-суриштирдик.

Кечга томон «Ҳамюртимиз космосда» номли мақола машинкадан чиқди. Ўшанда бу мақолани асосан Сафар ёзганини ҳозир алоҳида таъкидлагим келади. Мен унга баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар киритганман холос. Бу мақола газетамизнинг 1978 йил 13 январь сонида чиққан. Эртаси куни худди шу мақола бироз қисқарган ҳолда «Жонибеков космосда!» сарлавҳаси остида «Совет Ўзбекистони» газетасида ҳам ёритилганини ҳали-ҳануз эслайман.

Бу гапларни эслашдан муддао нима, деган савол туғилиши табиий. Мен «Ёш ленинчи» газетасида салкам 10 йил ишлаб, журналист, шоир деган ному аъмолга мушарраф бўлдим, одам танишни ўргандим, энг муҳими, яхши устозлар, яхши дўстлар орттирдим. Фақат рост сўзлашни, рост ёзишни ўргандим. Зеро, ана шуларнинг ўзи ҳам катта бахт.

Шавкат ТУРОБ.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон
Эмин бўл, ҳурлик деб ёнган ялқин чироғ!
TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-53-84; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй.
Нашр қўрсаткичи 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0152
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

А 23456